



З А В О Й



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг газетаси

7 сентябрь, пайшанба 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 172 (1174)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲАВО
ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Август ойининг учинчи яшанбаси «Ўзбекистон
Республикасининг Ҳаво флоти куни» этиб белги-
лансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 август.



Бахмал туманида фермер Файзулла
Неъматуллаевни кўнчилиқ яхши танийди.
Файзулла ака 30 йилдан ортиқ туман соғ-
лиқни сақлаш бўлимида ишлаган. Ўзбе-
кистонда хизмат кўрсатган врач, респу-
блика миқёсидаги нафақахўр ҳисоблана-
ди. У киши тўғрисида бахмалликлар «ти-
ниб-тинчимас, меҳнаткаш одам» дейиша-
ди.

Бу йил у киши 20 гектар лалми ерда
бугдой етиштириб, ундан 40 тонна ҳосил
кўтарди.

Ҳозирги пайтда Файзулла аканинг фер-
мер хўжалигида 20 бов қорамол, 2 та
йилки, 20 та қўй парвариш қилинмоқда. —
Насиб қилса, қорамоллар сонини 50 дан
ошириб, маълум қисмини халққа арзон
нархларда сотиш ниятимиз бор, — дейди
фермер.

СУРАТДА: фермер Файзулла Неъмату-
ллаев.

Б. Тўрас
(ЎЗА) тасвирга олган.

**БАРҚАРОРЛИК
БАРЧАМИЗ УЧУН
ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ**

Шу йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда «Мар-
казий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик» мавзусида
семинар-кенгаш бўлиб ўтади. Шу муносабат билан
5-6 сентябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида
мазкур семинар-кенгашда иштирок этувчи давлат-
лар ва халқаро ташкилотлар экспертларининг кенга-
ши бўлиб ўтди.

Кенгаш иштирокчилари уч йўналишда — «Марка-
зий Осиёда хавфсизликнинг ишончли тизимини яра-
тиш», «Иқтисодий ҳамкорлик ва коммуникация инф-
раструктурасини яратиб» ҳамда «Экология хавф-
сизлиги ва инсонпарварлик соҳасидаги ҳамкорлик ти-
зимини яратиб» каби масалаларни муҳокама этди-
лар. Кенгашда 15-16 сентябрда бўлиб ўтадиган семи-
нар-кенгашда қабул қилинган кўзда тутилган ҳуж-
жатлар лойиҳаси тайёрланди.

Тадбир якунида ЎЗА мухбири кенгаш иштирокчи-
лари билан суҳбатда бўлди.

**ПОЙТАХТНИНГ
КЎРКУ САЛОБАТИ**

Республикада амалга ошириладиган иқтисодий ислохот,
халқимизнинг филокорона меҳнати шаҳар ва қишлоқларимиз
қиёфасини ўзгартириш, янги-янги иншоотлар барпо этиш,
улкан ободонлаштириш ишларини амалга оширишда муҳим омили
бўлмоқда. Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизда
ўнлаб йирик иншоотлар ишга туширилди. Хусусан, Тошкент
шаҳри ўзгача гузаллик касб этди. Бўрижар узра қурилган улкан
кўприк, янги барпо этилган кўлар, Олой бозорининг учинчи
навбати, «Тошкентленда» томоша боғи ва бошқа иншоотлар
пойтахт кўрғини кўрк қўшди. Айниқса, Тошкентнинг Эски
шаҳар қисмидаги Соғбон, Қорасарой, Форобий кўчалари, Амир
Темур хибони, маҳалларда қурилган бир қанча тузарлар,
ҳинд курувчилари бунёд этган замонавий меҳмонхона ўзининг
файзу салобати билан халқимизни, юртимизга ташриф буюр-
ган сайёҳларни лол қолдиришда. Бундай ишлар давом этмоқда.

6 сентябрь куни республика оммавий ахборот воситалари,
радио ва телевидение раҳбарлари Тошкентда янги бунёд этил-
ган ана шу иншоотлар билан танидишди. Тошкент шаҳар бош
архитектори М. Расулов уларга мазкур иншоот ва масканларни-
нг лойиҳаси, қурилиш тарихи ҳақида гапириб берди. Пойтахт-
да келгусида бу борда амалга ошириладиган режалар билан
таништириди.

Учрашув иштирокчилари мустақиллигимиз шарофати билан
мамлакатимизда бунёд этилган ана шундай мухташам бино ва
иншоотлар билан халқимизни ақидан таништириш, газета,
радио ва телевидение жамоаларининг бу бордаги вазифалари
хусусида фикрлашиб олдилар.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев,
Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎЗА).

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан
немец халқи ва шахсан ўз номидан давлатимизнинг келгусида
янада раванг топиши учун самимий тасаллаҳларимизни билдираман.
Шу йилнинг апрел ойида Ўзбекистонга ташриф мамлакатимиз-
да ижтимоий бозор иқтисодиётига ва демократияга ўтиш йўлида
амалга ошириладиган ислохотлар билан яқинроқ танишиш имко-
ниятини яратди. Германияда биз катта қизиқиш ва дўстона
ҳажмда билан ислохотларнинг кечиши жараёнини кузатиб тур-
моқдамиз.
- Ишончим комилки, муносабатларимиз, ўтган йилларда бўгани
каби, мамлакатларимиз халқлари манфаатлари йўлида кенгайиб
ва чуқурлашиб бораверади. Штутгартда ўтиши режалаштирил-
ган «Буюк ипак йўли форислари» мавзусидаги кўрама фикримизни
ерқин далилдириб, 1995 йилнинг 15 ноябрда Штутгартда, кўр-
газманинг омиши маросимида Сизни шахсан мураббаб ўтиш
имкониятига эга бўлсам, беҳад хурсанд бўлар эдим.
- Роман ХЕРПОГ,**
Германия Федератив Республикаси Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз жаноби
олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим
ва энг яхши тилакларимни йўлашдан бағоят мамнунман.
- Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида ақин ва самимий муноса-
батлар мавжуддир. Халқларимиз ўртасидаги асрий дўстлик ва
ҳамкорлик икки мамлакат бахт-саодати йўлида келажакда янада
ривожланишига ишончим комил.
- Жаноби олийлари, Сизга бўлаган юксак эҳтиромимни қабул
этаёйсиз. Сизга мустақам соғлиқ, Ўзбекистон халқига раванг ва
тараққиёт тилашига ижозат бераяёйсиз.
- Шанкар Даял ШАРМА,**
Ҳиндистон Республикаси Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги му-
носабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига самимий
табриклар йўлаш менга мамунат бахти этди.
- Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, жаноби олийларига узоқ умр,
соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига раванг ва тараққиёт ти-
лайман.
- Жаноби олийлари, Сизга бўлаган юксак эҳтиромимни қабул
этаёйсиз.
- Фаруқ Аҳмад Хон ЛЕҒҲАРИ,**
Покистон Ислон Республикаси Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон Республикасининг байрами — Мустақиллик кўни
муносабати билан Исроил халқи ва шахсан ўз номидан Сиз
жаноби олийларига самимий табрикларим ва энг узоқ тилакларимни
йўлаб, мамлакатимизга тараққиёт ва фаровонлик тилайман.
- Эвэр ВЕЙЦМАН,**
Исроил Давлати Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги, халқи ва ҳукумати Ўзбеки-
стон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби
олийларига энг энг узоқ тилаклар ва самимий табриклар йўлаётган-
мига тўла қўшади.
- Хусайн,
Иордания Ҳошимийлар
подшоҳлигининг подшоҳи.**
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Латвия Республикаси халқи ва ўз номидан Сиз жаноби олий-
ларига, Ўзбекистоннинг мустақиллик кўни муносабати билан са-
мимий табрикларимни йўлашдан мамнунман.
- Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасидаги мавжуд дўст-
лик ва ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз фаровонлиги
йўлида бундан кейин ҳам ривожланиши ва мустақамланади.
- Жаноби олийлари, Сизга бўлаган чуқур ҳурматимни лутфан
қабул қилсангиз.
- Эҳтиром ила**
- Гунтис УЛМАНИС,**
Латвия Республикаси давлат Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан
Тунис ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номидан Сиз жаноби
олийларига самимий табрикларим ва энг узоқ тилакларимни йўлашдан
Сизга мустақам соғлиқ ва бахт тилашдан беҳад хурсандман.
- Ушбу бахтли фурсатдан фойдаланиб, Сизга энг узоқ тилаклар,
қардош ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.
- Зайн ал-Обидин ибни АЛИ,**
Тунис Республикаси Президенти.
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан
Сиз жаноби олийларига самимий табрик ва энг узоқ тилаклар йў-
лайман.
- Сизга толе ва тинчлик, мамлакатимиз ҳамда халқимизга
раванг ва маммуриқ насиб этсин.
- Пумпюн АДУЛЪЯДЕТ,
Тайланд Подшоҳи.**
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистоннинг миллий байрами менга Мальта ҳукумати ва
халқининг Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқ-
қига табрик ва кўтаюварига қўшилишининг ёқимли имкониятини
берди.
- Сиз жаноби олийларига сўхат-саломатлик, Сизнинг халқин-
гизга эса — тараққиёт ва раванг тилайман.
- Доктор Уго Мифсуд БОННИЧИ,
Мальта Президенти.**
- ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**
- Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги му-
носабати билан Япониянинг «Тойота Пусэ корпорейшн» фирмаси
Сизга чуқур ҳурматини билдириб, энг самимий табрикларини
йўлашдан мамнундир.
- Сизга ва Сизнинг тимсолангизда Ўзбекистон халқига муста-
қил давлат қуришида бахт, тинчлик ва муваффақиятлар ти-
лайимиз.
- Самимий ҳурмат билан
- Эидзо ТАКЕЯМА,
«Тойота Пусэ корпорейшн» Президенти.**

**Умурсерик КАСЕНОВ (Қо-
зғонистон Республикаси):**

— Марказий Осиё давлат-
лари учун хавфсизлик ва ҳам-
корликни таъминлаш ҳаётий
заруриятдир. Шу нуқтага на-
зардан қараганда, минтақада
хавфсизлик ва ҳамкорликнинг
ишончли тизимини яратилиши
аҳамияти жуда катта. Ўзбе-
кистон Президенти Ислон Ка-
римовнинг БМТ Бош ассамб-
леясининг 48-сессиясида кў-
тарган мазкур ташаббусини
БМТ ва бошқа қатор халқаро
ташкилотлар, кулаб давлат-
лар раҳбарлари ўта долзарб ма-
сала сифатида эътироф этил-
ди. Марказий Осиёдаги мин-
тақамизда доимий барқарор-
ликни таъминлаш шубҳасиз.

**Али МАЖИДИЙ (Эрон Ис-
лон Республикаси):**

— «Марказий Осиёда хавф-
сизлик ва ҳамкорлик» семи-
нар-кенгашининг мақсади
минтақада тинчлик ва барқа-
роликни таъминлаш ҳамда
ҳамкорликни ривожлантириш-
нинг аниқ йўналишларини
белгилаб олишдир. Шу боис
экспертлар иштирокидаги маз-
кур кенгаш 15-16 сентябрь ку-
лари ўтказилган семинар-кенгаш
олдидан ўзига хос тайёргар-
лик босқичи бўлди.

**Виктор НАУМКИН (Рос-
сия Федерацияси):**

— Сир эмаски, Марказий
Осиёда ҳудудий барқарорлик-
ни таъминлашга катта ҳатий
бор. Гап ҳамкорликнинг янги,
ишончли тизимини ишлаб чи-
қиш ҳақида бормоқда. Ўзбе-
кистон ушбу ҳудуддаги энг йи-
рик давлатлардан бири ҳисоб-
ланади ва минтақадаги барқа-
роликни таъминлашда муҳим
урин тутди. Ўзбекистон Пре-
зидентининг мазкур ташаббуси
ҳақта жорий этиш Марка-
зий Осиёда яшовчи барча
халқларнинг тинч ва осуда ҳаёт

кечиришини таъминлашга
ижобий ҳисса қўшади.

**Алонс РЕЗНИК (Европада
Хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкilotи (ЕХХТ) вакили):**

— Ташкилотимиз Ўзбеки-
стонда ўз бюросини очгани бе-
жиз эмас. Zero, ЕХХТ Марка-
зий Осиёда хавфсизлик ва
ҳамкорликни таъминлаш бо-
расида амалга ошириладиган
тадбирларда фаол иштирок
этиш ниятледи. Тинчлик ва
барқарорлик бутун инсо-
нийат учун жуда зарур. Бунинг
учун эса, иқтисодий, ижти-
моий алоқаларни ривожлан-
тири боришимиз мақсадга му-
вофиқ, деб ўйлайман. Албат-
та, Марказий Осиёда хавф-
сизликни таъминлашда ЕХ-
ХТ, БМТ, Ислон Конферен-
цияси ташкилотлари билан
бир қаторда минтақага қўши-
ли бўлган давлатлар ҳам му-
ҳим ўрин тутди.

Анжуманимиз яна бир му-
ҳим томони — мазкур ҳудудда
экологик муаммоларнинг
муҳокама қилинишидир. ЕХ-
ХТ ана шу масала бўйича се-
минар ўтказишга ҳам тайёр-
гарлик кўрмоқда.

Халил ДАГ (Туркия):

— Турк халқи ва Туркия
ҳукумати тили, дини бир Мар-
казий Осиё халқларига до-
имо тинчлик ва барқарорлик
истаб келган. Шу боис мам-
лакатимиз Президенти Ис-
лон Каримовнинг Марказий
Осиёда хавфсизлик ва ҳам-
корлик бўйича семинар-кен-
гаш ўтказиш ҳақида БМТ
Бош ассамблеясининг 48-се-
ссиясида киритилган тақдирини
биэ тўла қўллаб-қувватлаймиз.
Чунки мазкур тадбир Марка-
зий Осиё давлатларининг ҳам-
жиҳат бўлиб яшашини, ўзаро
иқтисодий алоқаларни ри-
вожлантириш йўлида катта
аҳамият касб этди.

(ЎЗА).

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**К. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Комилжон Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 сентябрь.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**К. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АЛОҚА ВАЗИРИ ВАЗИРАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтгани муносабати
билан Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири вази-
расидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 сентябрь.

Мухбиримиз боғ уради

«Пахта - 95»

ХОҲА туманидаги «Олтин соҳил» жа-
моа хўжалигининг пахта хирмонлари те-
риш олдидан таъмирланмайдиган бўлди. Гап
шундаки, мавжуд 11 та пахта қабул қи-
лиш, қуриш ва ортин майдонлари одам-
дасидек лол сувоқ эмас, асфальтланган.
Улар узоқ йил таъмирланмас ҳам му-
стақамлигини йўқотмайд.

Хирмонлар-
нинг мавсумга
шайлаш айти
муддао. Бирок,
мавсум тарвад-
да яна бир қанча
майда юмушлар-
ни ўз ичига ола-
ди.

— ЎЗБЕКИСТОН
Республикаси Вазирилар
Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терим
мамуруни ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, қо-
лаверса, не-не меҳнату машаққатлар эвазига
етиштириладиган мўл ҳосил тақдирини ҳаммамиз-
ни гайрат билан ишлашга ундайпти, — дейди
жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ж. Нурматов.

— Мавсум масулиятини мавжуд қийинчилик ва
етишмовчиликларни ақд-ишлоқ, қу-ғайрат билан
баргараф этишга ундайпти. Ҳукуматимиз
қарорини нафақат пахтакорлар, балки улар билан
ҳамкор қорхонлар, ташкилотлар жамоаларини
ҳам катта ва масулиятини ишларга чорлайпти.
Кўни кеча келтирилган 1,5 мингта этак, 2 минг
метрдан зиёд тур-газвол пудратчи ва ижарчи-
лар ўртасида тақсимланди. Тош-тарозини, йўл-
кўприклар, терим техникаси ҳам мавсумга
бирвақт ҳозирлаб қўйилган.

Аммо, шунинг ҳам унутмаслик зарурки, булар-
нинг бари моддий имкониятлар билан боғлиқ.
Кўпгина хўжалиқлар, ҳатто нари-бери ҳозирлик
учун ҳам маблағ топа олмагани сир эмас. Ле-
кин, «Олтин соҳил»да бундай муаммо йўқ. Йи-
ғим-терим воситаларини мойлаш ва таъмирлаш
учун талаб этилган миллион сўм маблағ тадбир-
корлик фаолияти, бозорга мол ва мақ-
сулотлар сотиш ҳамда банк бексел-
ларини оқиллона қўллаш эвазига топилди.

«Бизни табиат-
нинг ўзи ҳам шо-
ширлайпти», дейиш-
моқда хўжалик пах-
такорлари. Гап
шундаки, гўза ривож бу йил бошқа жойларда
бўлгани каби, «Олтин соҳил»да ҳам ўтган йил-
дагидан 15-20 кун олдинда.

— Худо хоҳласа, сентябрь ойида режани у-
далаймиз, — деди пировардида хўжалик раҳба-
ри, — Ҳосил эса бу йил яна ҳам мўл. Чунончи,
ўтган йилги ҳар гектар майдонда ўртача 78 минг
тул гўза устирган бўлсақ, бу йил 89 минг тул.
Ҳар тулдаги кўсақлар сонини ҳам бултургидан 4-5
та кўп. Демак, олдин режаланганидан гектар
ҳосилоти 29 эмас, 35-36 центнердан хирмон
кўтариши ижкони бор. Шундай бўлган, даромад
кам ортади. Биргина пахтачиликнинг ўзиндан
ҳозирги нархларга чакқанда 35 миллион сўм
даромад олишни ният қилиб турибмиз.

**Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бугунги кунда мамлакатимизда муқимий давлат та-
сарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг барча ҳу-
қуқий негизлари яратилган. Zero, хусусийлик — истиқ-
болнинг қафолати. Президентимиз Ўзбекистон мамму-
ричилигини таъмирлашнинг бундан бошқа йўли йўқлигини
қайта-қайта таъкидламоқда.**

Аммо ажиб ҳол: бундан бир
қанча вақт мўқалдам жон-жаҳ-
ди билан хусусийлаштиришни-
нг ишқибози бўлган раҳбарлар
бутун оёқ тираб туришпти. Ҳам-
ма нарса хусусийлаштириб
кетса, бизга (давлат деганда
улар ўзларини тушунишди)
нима қолади, деб мингта са-
бабини уйлаб топилмоқда. Бу-
га юзлаб эмас, минглаб мисол
келтириш мумкин. Чунки қо-
нуң барчани баробар қилиб
қўйди. Яъни, бугун Ўзбеки-
стоннинг ҳар бир фуқароси му-
лк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга.
Масаланинг худди ана шу жи-
ҳати айрим раҳбарларга маъсул
кеймайти ва шу боис ҳам уша
жойларда мулкни давлат та-
сарруфидан чиқариш ҳаракати
жуда суст бормоқда.

«Сарсоней тумани ҳокими-
нинг биринчи ўринбосари

Саъдулло Асадовдан Шарғун
савдо ишлаб чиқариш ҳисса-
дилар:

— Узим яхшиман. Савдо эса,
оқсаяпти шекилли.

Мен ҳайро-но қолдим ва,
табиийки, изоҳ сўрадим.

— Пул йўқ, савдо йўқ, ҳам-
маёқ қарга ботиб кетди, —
деди Саттор ака.

Саттор ака «изоҳ»ни давом
эттирдилар:

— Биз хусусийлаштиришни

дўрлик жамиятига хусу-
сийлаштиришнинг қўламли
кенглигини эшитиб, ҳайрон
қолганим йўқ. Чунки бу таш-
килотта Саттор Ҳакимов йи-
ғирма уч йилдан бери раҳбар-
лик қилди. У узоқни кўра би-
лашн туғайли ҳам шу-унча ва-
қтдан бери бирон марта оёғи
тоймаган.

Саттор акани ишонмасдан
топдим. Ҳамингаддек, у ки-
шининг кайфияти аъло эди.
«Ишлар қалай?» деган саво-
лимга бундай деб жавоб бер-

тўқсон иккинчи йилдан бо-
шлаганимиз. Ушанда менга та-
иб беришган...

Унинг ахборотига қараган-
да, шу пайтгача дўконларнинг
тўртдан уч қисми хусусийлаш-
тирилган. Булар, асосан, их-
чам-иччам ошхоналар ва дў-
конлардир. Энг муҳими — дў-
конлар мажозларга уналдик
қиммат нарҳда сотилмаган.
Масалан, Амрилло Соҳибов
бир мағазини 54 минг сўм-
купонга харид қилган бўлса,
Бахтиёр Сафаров 90 минг сўм-

купон тўлаб, хўжалик моллари
дўконига эга бўлди...

Саттор акани ражиятаётган
нарсга хусусийлашган дўкон-
ларнинг эгалари у билан ҳам-
корлик қилишни истамаётган-
лигидир. Аммо бу ҳол раисни
ташвишга солмайдиган: бакуват
савдо нуқталари ҳамон ўз та-
сарруфиди. Иккита гастроном,
битта универмаг, «Баҳор» дў-

га ўша машиналарни сотиб
юборсангиз бўлмайдингиз?»
«Сотсақ ҳам бўлади. Ҳозирча
ижарада ишлаб туришсин-чи».

Мен «Жамият ана шу ма-
шиналар учун давлатга неча сўм
солиқ тўлайди» деб сўрамоқчи
бўдим-у, аммо Саттор акани
ҳижолатга қўймайсиз учун ти-
лимни тийдим. Бундан ташқа-
ри, бир юк машинаси ҳар ойда
эмас, балки кунига қанча-қан-
ча пул топиши ҳам менга
маълум эди. Бирок бунинг
Саттор ака билсалар-да, ўзини бил-
масликка олдилар.

Идоранинг молиявий аҳво-
ли ҳам ночор: қарз кўп. Аммо
Саттор ака иш юритишнинг
ҳадисини олганлар тонфасилдан
эмасини, «Ўзбекўзин» ҳисса-
дорлик бирлашмаси раҳбарла-
рдан фойзис 2 миллион сўм
қарз олибдилар. Мен бунинг
эшитиб, ҳайратдан «қойил!» деб
олидим. У киши эса: «Ҳо-
зинги шаронда шунча пул ҳар
қимга ҳам берилвермайди!» —
деб илжайдилар. Демак, теги-
мон тўхтамас экан-да... Яна...
ким билди, дейсин?

**Тождидин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

ТЕГИРМОН... ТЎХТАМАЙДИ

ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ ТАНТАНАЛАРИ

Яқинда Вашингтон шаҳрининг муҳташам «Willard Inter-Continental» ресторанида Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигини тантанали равишда баъишланган қабул маросими бўлиб ўтди.

АҚШ даги Ўзбекистон элчихонаси томонидан уюштирилган байрамни нишонлаш маросимида 200 нафардан ортиқ меҳмонлар, жумладан, АҚШ расмий идоралари, шунингдек, Америка ишбилармон, илм доираси вакиллари ҳамда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби Вашингтонда жойлашган бир қатор халққаро ташкилотлар ва дипломатия корпуси вакиллари қатнашди.

Ф. Тешабоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ мамлакатлари ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган дўстлик муносабатлари ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга алоҳида урғу берди.

Байрам тантанасида қатнашчилар, жумладан, америкаликлар томонидан илқ табрик сўзлари янгради. «Америка овози»нинг Марказий Осиё бўлими бошлиги Рене Эрль, АҚШ Давлат департаменти ходимлари Д. О'Грейди, Б. Джексон ва бошқалар сўзга чиқиб байрам билан ўзбекистонликларни қутлашди.

Меҳмонларга қабулнинг миллий руҳда ўтганлиги, байрам столи ўзбек миллий таомлари асосида безатил-

ганлиги, шунингдек, америкалик Викториа Грей томонидан ижро этилган ўзбекча рақс, ўзбек делегация аъзоси Насиба Усмонова ижросидаги миллий музиклар катта таассурот қолдирди.

Қабул пайтида меҳмонларга Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, брошюралар, откриткалар, журналлар тарқатилди.

Элчихона номига шу кунларда Америка расмий идоралари, университетлар, йирик компаниялар, оммавий ташкилотлар, оддий шахслар, илмий тадқиқот марказлари ва бошқалар томонидан оғзаки ва ёзма тарзда ўзбек халқига ва Ўзбекистон раҳбариятига етказишни сўраб, Ўзбекистон мустақиллиги куну муносабати билан самимий табрик ҳамда тилаклар кўплаб тўшатишти.

Одатда, давр сурати биноларда, катта-кичик қурилишларда ўз аксини қолдиради. Олайлик, оламнинг етти мўъжизаси — муаллақ болғару ману маёқлар сингари инсоният ақлий камолотининг олий намуналаридан бири бўлиб қолган Тожмаҳал қасри ҳинд тупроғида узоқ йиллар ҳукмронлик қилган ва бу заминнинг маданий юксалишида ўчмас из қолдирган аждоғларимиз — бобурийлар шону шавкатидан ҳикоя қилса, пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси билан ёнма-ён барпо этилган янги қошо-на ҳинд ва ўзбек халқларининг азалий дўстлигига ўрнатилган обидага ўхшайди.

Унда анъанавий шарқий услублар қоришиб кетган. Ташқи томондан тобора юқалиб боровчи тоғ силсиласини эслатса; ичкарида меъморлар маҳорати туфайли кенгликлар масштаби-ю, дарё ва ўнгирларда бўладиган мовийлик-мусаффолик уйғунлиги таъминланган. Бунга ранг ва шакллар ҳамоҳанглиги орқали эришилган. Зеро, бу жабҳада машҳур Тожмаҳал ҳажон меъморчилигининг бетакрор намунаси.

Кўча томонда ўрнатилган мисдан қуюлган фил ва шер тимсолини ёнлаб, асосий ташриф йўлагига қадам қўясиз. Айвонда ўрнатилган юмшоқ ўриндиқлар-у, олтин рангида товланувчи ялтироқ тўсинлар ҳушёрлигини оширади. Девор бўйи ишланган паннода миллий либослардаги кишилар тимсолида ҳи-

нд-ўзбек дўстлиги сопол, ганч ва ранглар воситасида куйланган. Юқори қаватларга олиб чиқувчи зина пойига қўйилган гуллар ва турли буталар гўё йўлни кенг ҳиё-бонларда давом эттираётгандек таассурот қолдиради. Меҳмонхонанинг бор мўъжизаси шулар эмас. У, аввало, сўнгги ютуқлар асосида

вурлар орқали иссиқ ҳаво юборилади. Бу ускуналар хоналарга умумий манзарани ўзгартирмайдиган тарзда дид ва ҳафсала билан ўрна-тилган. Шунингдек, мижоз ўтирган жойида салқин ичимлик ёки бирор егуликка буюртма бериши мумкин. Унинг хоҳиши бир зумда бажо қилинишидан ташқари майда

сиддилари бизга фахр билан «Хоҳласангиз Нью-Йоркдан Африканинг истаган мамлакатига самолёт чиптасига буюртма беришингиз мумкин», деб айтишди. Хоналар энг юмшоқ чойшаблардан тортиб, бир маргали тиш малҳамлари-ю, хуш-бўй совуналаргача таъминланган.

Маъмулда меҳмонларнинг буш вақтини кўнглили ўтказишлари учун қулай шароитлар ҳозирланган. Бунда миллий анъаналардан келиб чиқиб, йўл тутилган. Олайлик, уй жиҳозларнинг жойлаштирилиши-ю, идишларнинг кўрениши, овқатлар тартибида аввало ўзбекона одатларга кенг ўрин берилган. «Бомбай», «Тож» ва «Дарвоза» деб номланган тунги ресторо-нарларда мижознинг ҳордиқ чикариш мумкин. Ёки «Олтин тову» деб номланган тунги барда бир пиёла қаҳва устида дилкаш сўҳбат қуриш имкони бор.

Ҳозирча 600 ўринга мўлжалланган меҳмонхона «Ўзбектуризм» миллий компанияси тасарруфида бўлиб, хориждан келган меҳмонларни қабул қилади. Албатта, унинг иш тартибида сайру саёҳатлар уюштириш, ишбилармонлар билан мулоқотлар, ўзаро делегациялар ал-машини ва бошқа амалий тадбирлар киритилган. Булар ҳақида ҳозирча батафсил сўзлаш имкони йўқ. Бироқ пойтахтимиз меҳмонларига сидқидилдан хизмат қилишга аҳд қилган янги жамоа ўзбекона меҳмоннавозликни жойига қўйиш учун астойдил бел боғлаб ишга киришди. Шубҳасиз, янги қошонанинг остонаси кутлуғ бўлишини иста-таймиз.

Х. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимизда ҳинд қурувчилари бунёд этган меҳмонхона ҳозирча ана шундай деб номланган. У яқинда фойдаланишга топширилди.

қурилган замонавий бинодир. Бундан олдин бир унсурдан ҳам билса бўлади. Ҳар бир хонада компьютер ўрнатилган ва у автоматик тарзда намлик, ҳарорат ва ҳаво мусаффолигини тартибга солиб туради. Агар саратонда муздек оқим уфуриб турадиган кондиционерлар ишлатил-са, қиш кунлари эса худди шу қу-

ҳисоб-китобларга ҳам ўрин қол-майди: компьютер ўзи «ҳисобла-шиб», буни мижознинг ташриф дафтарчасига қайд қилиб қўявера-ди.

Меҳмонхонада яшаш ва дам олиш учун барча шароитлар му-ҳайё қилингандан ташқари замо-навий алоқа воситалари билан ҳам пухта жиҳозланган. Унинг мута-

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА МАРКАЗ

Республикамизда аҳолига ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш учун етук ва маалакали мута-хассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда 1994 йил-нинг ноябрь ойида турли ка-сиб эгаларидан иборат 200 ки-ши Ижтимоий таъминот ва-зирлиги томонидан АҚШга юборилиб, турли универси-тетларда таҳсил олишган эди. Улар АҚШнинг Маорифни ривожлантириш академияси (АКСЕЛС) ташкил этган ма-лака ошириш — NET про-граммаси асосида иқтисод, ҳисоб-китоб, ҳуқуқшунос-

лик, қишлоқ ҳўжалиги, бан-кн тизими жамоатчилари, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва пенсия билан таъминлашнинг махсус ўқув дастури билан танишиб, ри-вожланган давлатлардаги иш юритиш усулларини чуқур ўрганиб қайтгандилар.

Яқинда АКСЕЛС ва Иж-тимоий таъминот вазирилиги билан ҳамкорликда Ўзбеки-стонда NET лойиҳаси қат-

нашчиларининг маркази очилди ва таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Ш. Шораҳме-дов бошқарадиган ушбу марказ Ижтимоий таъми-нот вазириликда жамоат-чилик асосида фаолият кўрсатади. Унинг асосий вазифаси АҚШда таҳсил олиб қайтган мутахассис-ларнинг билим ва тажри-баларидан оқилона фойда-ланишидир.

Марказ филиалларини кейинчалик вилоятларда очиш ҳам режалаштирил-ди.

Ж. НАЖМИДИНОВ, АКСЕЛС NET программаси қатнашчиси.

БОЗОР КўНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КОРДИНАТОРИ

Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази Европа Иттифоқи томонидан маблағ билан таъминланган ТАСИС проекти бўлиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил қилинган. Марказ ўзининг оммавий ахборот воситалари бўлимига эга бўлиб, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига бизнес журналистикани ривожлантиришда ва аҳолига бозор иқтисодиёти асосларини тушуниришда ёрдам беришдан иборат.

Марказнинг ушбу бўлими, (бўлим бошлиги Галина Фомаиди) билан бирга иш олиб борадиган бўлим кординаторини сайлаш истагини билдиради. Унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ♦ бизнесга оид гоғларни телевидение, радио ва матбуотда ёритиш;
- ♦ оммавий ахборот воситаларида қўллаш учун бизнесга оид марузалар тайёрлаш;
- ♦ бизнес журналистикани ривожлантиришда масаҳат ва техник ёрдам бериш.

Агар зарур бўлса, номзод учун Телерадио эмитирувларига маъруза таёрлаш техникаларини ўргатиш курси ташкил қилинади.

Асосий талаблар:

- ♦ олий маълумотли;
- ♦ ўзбек тилида иш олиб бора оладиган;
- ♦ оммавий ахборот воситаларининг ҳамма соҳасида иш юрита оладиган;

Ихтиёрий талаблар:

- ♦ Инглиз тилини билиши;
- ♦ Иқтисодий маълумотга эга;
- ♦ бизнесга оид марузалар тайёрлаш тажрибасига эга.

Шахсий варақаларни ва керакли маълумотларни Галина Фомаидидан қуйидаги телефон 45-45-42; орқали олишингиз мумкин.

Шу билан биргаликда номзодлар юқорида қайд қилинган масалалар юзасидан қандай иш олиб бориш тўғрисида 300 та кординатори телевидение, радио ва матбуотда олиб боришнинг дастлабки иш режаларини тавсия қилиши керак.

Номзодлар билан сўҳбат 23 сентябр куни ўтказилади.

АЗАЛИЙ ДўСТЛИК ТИКЛанади

Маълумки, собиқ Иттифок даврида ўл-камиз ташқи алоқаларининг жиловни мар-каз қўлганда бўлганда ҳам Ташкент ва Хас-ково вилоятлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилган эди. Бундай дўстлик ришталари ўрнатилган-га ўттиз йилдан ошди. Шунингдек, Чирчиқ электромимё комбинати Димит-ров химия комбинати қурилишида иш-тироқ этганди. Ёки болгариялик дехқон-ларнинг республикамиздаги ҳамкасб-лари билан ҳам мустаҳкам алоқалари мав-жуд бўлган. Фақат кейинги йиллардаги ангиланишлар жараёнида бундай муно-

сабатларда узилиш пайдо бўлди. Муста-қил мамлакатимизда иқтисодий ислохот-ларнинг бориши билан танишиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш-га кўмаклашиш мақсадида ташриф буюр-ган хасковоллик меҳмонлар билан бўлган учрашувда ана шулар ҳақида сўз юри-тилди. Таркибида ишбилармонлар, хусу-сий корхона эгалари бўлган делегация бир ҳафта давомида республикамизда бўлиб, шартномалар тузадилар, тадбир-кор ва ишбилармонлар билан амалий алоқалар ўрнатадилар.

Уз мухбиримиз.

КОРХОНАЛАР, ИДОРЛАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"ЎЗЁҒОЧСАВДО" фирмаси

Тошкентдаги омборидан пул ўтказиш йўли билан чекланмаган миқдорда қуйидаги қоғоз маҳсулотларини сотади:

- К лойиҳалаштириш ишларида қўлланиладиган нурга сезгир қоғоз, миллиметрик қоғоз, қаламда чизишга мўлжалланган "хитой" қоғоз (калька);
- О ёзув машиналарида ёзма ишлар бажаришда қўлланиладиган қора кўчирма қоғоз;
- Ф Финляндияда чиқарилган ёзув қоғози (формати А-4);
- О А-3 форматли чизик тортилган ёзма қоғоз;
- З қалинлиги 115 г/кв.м мелланган қоғоз (формати 62x94 см);
- З ҳисоб-китоб учун ишлатиладиган турли бланкалар.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 76-74-94, 76-53-97.

Табобат

ҲАМ ХОСИЯТЛИ, ҲАМ ДАРОМАДЛИ

Илгари ота-боболаримиз табобатда ва кундалик истеъмол учун ишлатган кўпгина шифобахш усимликлар еттиштиришга эътибор кейин-ги йилларда нисоятда па-сайиб кетган эди. Албатта, бунинг турли сабаблари бор. Ана шундай усимликлардан бири-сандир. Ундан тайёрланган чойни аввалла-ри шифобахш билиб ўчиш-ган. Чунки у чинқокни босиш билан бирга баъзи дардлар-га даво ҳам ҳисобланган. Шу сабабли Тошкент дорихўно-лик ишлаб чиқариш хўссадор-лик жамияти «Сано» чойини республикамизда кўпайти-ришни тавсия этмоқда.

Зоров номли жамоа ҳўжалиги азваси Мардон Шамсиев олим-ларнинг бу тавсисига жиддий эътибор берди. У шахсий та-шаббус билан бир гектар ерга сано чойини экиди. Ундан чиққан ҳосил қўтилганидан ҳам ортиқ даромад берди. Дорихўнослар бу гўёқ учун бир юз етти минг сум тўлашди. Бу йил ҳўжаликда ана шу сар-даромад усимлики эътибор андада кўчаттирилди. Ун гектар ерга сано чойини экиди. Ҳозир ҳўжаликда доривор гўёхларини-н ун хил турли ўстириляпти. Келгусида эса бундай усимлик-лар учун эллик гектар майдон ажратиш режалаштирилган.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Валюта алмаштириш пунктларида ишлаш учун танлов асосида қабул эълон қилади.

Олий ёки ўрта-махсус иқтисодий маълумотли, нақд пул билан ишлаш тажрибасига эга, 25 дан 45 ёшгача бўлган аёллар тақлиф этилади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Охунбобоев кўч., 23-уй. Маълумотлар учун телефон: 36-74-95.

Ташкилот "НАФ"

ювиш воситасини бозор нархидан паст баҳоларда сотади. Тошкентдаги телефонлар: 33-12-18, 33-20-47.

Ҳанза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри ўзининг 78 таъсисини 12 сентябр соат 17.30 да Саид Аҳмад асарини "УФУК" спектакли билан оғади.

"ИНФОРМ-ПРОСПЕКТ" - Сизга омад калити!

Тошкент омборхонасидан арзон нархларда пул ўтказиш йўли билан компьютерлар, принтерлар, узлуксиз электр билан таъминлаш анжомлари, харж маҳсулотлари, компьютер программаси ва тармоқ таъминоти тақлиф этилади

Мурожаат учун телефон: (3712) 45-44-38.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, унда сизга 30+ қувватдорис даркор!!! "Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш куниндан кейин ҳам осмонлар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз. "Тридцать Плюс" нафақат чарқоқи тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва энгилликни қайтариб, Сизни яшартиради. Ҳарид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД - ФИРМАСИ. Тошкент, 70060, Мовононор кўчаси 19 (3712) 36046, 33578. Ўз.Фон: (3712) 33474. Сўрашга қўлланганда: Ташкентда «Ана Сано» дорихўноси (3712) 42434, 40443. «Фарма» дорихўноси (3712) 47870, 47884. «Жаббо» дорихўноси (3712) 43400, 43410. Самарқандда «Ирригатор» дорихўноси (3642) 35470. Фаришда «Фарма» - А дорихўноси (3732) 24582. Ўзбекистонда «Жан-Шан» дорихўноси (37422) 56372. Наманганда «Сирқабдан» табиб дорихўноси (10922) 34584.

ДИҚҚАТ АУКЦИОН!!! Республика Кўча мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Тошкент тумани ҳокимлиги билан биргаликда КИМОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ. Савдога қўйилади: автомобиллар ёқлиги қўйиш шахобчаси ер майдони билан, кўчмас мулк нишоотлар, автотранспорт, қурилиши тугалланмаган нишоотлар. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛГИ ҚўЙИШ ШАХОБЧАСИ ЕР МАЙДОНИ БИЛАН: БОШЛАНГИЧ НАРХИ СўМ 1. АЕҚШ №119, Бўстонлик тумани Хўжакент кўрғони 400.000 сўм. 2. АЕҚШ №117, Бекобод тумани «Авангард» ж/х 3800.000 сўм. 3. АЕҚШ №49, Зангиота тумани 6000.000 сўм. 4. АЕҚШ №28, Янгиобод шаҳридаги 1200.000 сўм. 5. АЕҚШ №31, Красногорск кўрғони 1500.000 сўм. 6. АЕҚШ №43, Қўқўрғон тумани Сегизбоев ж/х 1500.000 сўм. 7. АЕҚШ №65, Бука тумани «Кремль» ж/х 1600.000 сўм. 8. АЕҚШ №68, Ўрта-Чирчиқ тумани «Уртасарой» ж/х 2700.000 сўм. 9. АЕҚШ №72, Оҳангарон тумани Нуробод кўрғони 1100.000 сўм. АВТОТРАНСПОРТ: 1. ПА3-672-АВТОБУС 147.000 сўм. 2. ПА3-3201 147.000 сўм. 3. УА3-452 «В» 98.000 сўм. 4. ЗИЛ-130 «В» 98.000 сўм. 5. ЗИЛ-138 «А» 98.000 сўм. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН: 1. Ангрн шаҳридаги муҳандислик-тажриба биноси 42.460 сўм. 2. Келес шаҳридаги касалхона биноси 243.300 сўм. 3. Чиноз туманидаги ҳаммом биноси 1797.160 сўм. 4. Келес шаҳридаги СЭС биноси 1162.610 сўм. ИНШООТЛАР: 1. АО ОТ «Олмаликвиненқурилиш» ёрдамчи ҳўжалиги 2500.000 сўм. АРИЗАЛАР ҚўЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси-51, 2-қават, 78,82-хона. Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (КОД 3712) 33-67-22, 33-38-42, 33-24-28. КИМОШДИ САВДОСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 12 СЕНТЯБРЬ КУНИ, СОАТ 10.00 ДА БОШЛанаДИ.



Тўртинчи кун ОМАДЛИ КЕЛДИ



Кичик олимпиаданинг дастлабки кунлари норасмий умумжамоа ҳисобида ҳамюртларимиз Қозоғистон спортчиларидан орта қолаётган эди. Мусобақанинг тўртинчи кунини юртдошларимиз учун омадли келди. Дастлабки уч кун натижасига кўра, қозоғистонликлар 17 та «олтин», 12 та «кумуш» ва 9 та «бронза» медалини қўлга киритишиб, ҳамюртларимизни «олтин» медаллар бўйича тўртта орта қолдираётган эди. Тўртинчи кун боксчиларимиз 7 марта шоҳуспага кўтарилишиб, жамоамиз ҳисобига қимматли оқ-кочкаларни келтирди. «Алпомиш» спорт саройига йиғилган мухлислар, айниқса, Дилшод Йўлдошев (48 кг), Маматқодир Абдуллаев (60 кг), Наримон Отаев (67 кг) чиқишларидан қаноат ҳосил қилишди. Бу боксчиларимиз финалда ўз рақибларига ҳеч бир имконият қолдиришмади. 71 кг вазнлилар тоифасида рингга чиққан юртдошларимиз Карим Тўлағанов аввалига қозоғистонлик боксчи Ермуқан Иброҳимовни, финалда эса киргизистонлик В. Приболовешини мағлубиятга уратди. 75 кг вазнлилар тоифасидаги Дилшод Ербеков (Ўзбекистон) — Андрей Шелудко (Қозоғистон) учрашувини ҳам мухлислар ўзгача интиқлик билан кутишди. Кутилганидек унда ҳамюртларимиз тўла устунликка эришиб, жамоамиз ҳисобига тўртинчи «олтин» медални олиб келди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Темур Иброҳимов (81 кг), Руслан Чагаев (91 кг), Жалол Сайфуллаев (91 кгдан юқори) ҳам кичик олим-

вафқиятли қатнашиб, мусобақанинг «олтин» медалини қўлга киритди. Надежда Матвеева, Ирина Юдина, Виктор Круляковлар эса учинчи ўрин билан кифояланди.

100 метрга батерфлей усулида сузиш бўйича ҳамюртларимиз Раҳим Нечаев ва Вячеслав Кабанов ҳаммани орта қолдиришиб, «олтин» ва «кумуш» медалларни ўзаро баҳам кўришди. 200 метрга батерфлей усулида сузиш баҳсларида Олег Пухнатий ўзининг кичик олимпиададаги иккинчи «олтин» медалига эга бўлди. Унинг жамоалоши Олег Цветковский маррага иккинчи бўлиб етиб келди. 400 метрга эркин усулда сузиш ва 4x100 метрга эстафетали сузиш баҳсларида ҳам юртдошларимиз шоҳуспага кўтарилишди.

Умуман, 6 сентябргача бўлган баҳслар якунига кўра, мусобақа қатнашчилари қуйидагича медалларни қўлга киритишди:

	«Олтин»	«Кумуш»	«Бронза»
ЎЗБЕКИСТОН	25	20	10
ҚОЗОҒИСТОН	24	20	12
КИРГИЗИСТОН	5	7	19
ТОЖИКИСТОН	1	1	7
ТУРКМАНИСТОН	-	6	15

Кеча енгил атлетика, оғир атлетика ва велоспорт мусобақалари бошланди. Қиличбозлик, теннис, сузиш мусобақалари давом этаётган. Уйлашмики, юртдошларимиз мусобақа давомида пешқамликни қўлдан беришмади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: эркин кураш бўйича кичик олимпиаданинг «олтин» медални соҳиб Руслан Хингаев.

А. МАМАДАМИНОВ, В. МИРОШНИЧЕНКО суратлари.

«Президент кубоги» турнири ойнаси



ЯККАЛИКЛАР БАҲСИ

57(1)	1. Хорди Арресе, Испания	Арресе	Арресе
Q 367	2. Атилла Савольт, Венгрия	7/6(3) 6/4	6/1 3/6 6/4
SE 277	3. Пьер Готье, Франция	Арресе	
224	4. Андрей Черкасов, Россия	Черкасов	6/1 6/0
185	5. Маркос Аурелио Горриц, Испания	Горриц	6/4 6/3
217	6. Гало Бланко, Испания	Арресе	6/2 6/3
WC 378	7. Дмитрий Томашевич, Ўзбекистон	Мойя	4/6 6/3 6/3
129(7)	8. Карлос Мойя, Испания	Арресе	6/1 6/4
112(4)	9. Франко Давин, Аргентина	Давин	6/4 6/3
Q	10. Эйал Ран, Исроил	Давин	6/4 6/4
Q	11. Жан-Нозль Гринда, Франция	Виту	6/3 6/0
187	12. Фредерик Виту, Франция	Ван Гарсе	5/1 6/4
164	13. Ларс Йонссон, Швеция	Фонте	7/6 3(3) 3/6 6/2
267	14. Кристоф Ван Гарсе, Бельгия	Фонте	6/2 1/6 7/5
203	15. Фредерик Фонте, Франция	Фонте	6/4 6/4
126(5)	16. Альберт Портас, Испания	Алами	6/4 6/0
127(6)	17. Магнус Густафссон, Швеция	Алами	7/5 6/4
WC	18. Темур Хонқўжаев, Ўзбекистон	Густафссон	6/0 6/3
155	19. Эндрю Илиз, Австралия	Альварес	6/7(1) 7/6(5) 6/1
168	20. Эмилио Альварес, Испания	Алами	7/6(7) 7/6(4)
WC	21. Темур Ганиев, Ўзбекистон	Данн	6/4 6/4
173	22. Брайан Данн, АКШ	Алами	6/4 6/4
193	23. Тати Раскон, Испания	Алами	6/1 6/2
105(3)	24. Карим Алами, Марокаш	Ножали	7/5 7/5
135(8)	25. Шандор Ножали, Венгрия	Ножали	6/4 7/5
211	26. Карлос Гомес-Диас, Аргентина	Огородов	7/6(4) 6/2
Q	27. Одер Села, Исроил	Пескариу	6/4 7/6 (6)
186	28. Олег Огородов, Ўзбекистон	Штебб	6/4 7/5
WC	29. Вадим Куценко, Ўзбекистон	Штебб	6/4 7/5
198	30. Дину Пескариу, Руминия	Штебб	6/3 7/5
156	31. Юнес эль-Айноуи, Марокаш	Штебб	6/4 7/5
75(2)	32. Карл-Уве Штебб, Германия	Штебб	6/3 7/5

ЖУФТЛИКЛАР БАҲСИ

1	1. Х. Арресе — Л. Маркович	Арресе — Маркович	Данн — Савольт
	2. О. Огородов — Д. Томашевич	6/7(10) 6/3 6/4	6/3 6/4
	3. В. Данн — А. Савольт	Данн — Савольт	6/1 6/0
LL	4. А. Иванов — Д. Ермаков	Данн — Савольт	6/3 6/2
4	5. Д. Бовен — М. Ноель	Бовен — Ноель	5/7 7/6(5) 6/2
	6. А. Горриц — А. Портас	Альварес — Раскон	6/3 6/1
	7. Ф. Давин — Й. Айноуи	Альварес — Раскон	6/4 6/4
	8. Е. Альварес — Т. Раскон	Гатнер — Диас	6/2 4/6 6/2
	9. П. Гатнер — К. Диас	Алами — Ножали	6/4 6/0
WC	10. Т. Хонқўжаев — В. Куценко	Алами — Ножали	6/4 6/0
Q	11. Ж. Потьер — Ф. Виту	Алами — Ножали	6/3 6/4
3	12. К. Алами — Ш. Ножали	Мор — Села	6/1 6/1
WC	13. Т. Ганиев — Ф. Фуломов	Мор — Села	6/1 6/1
	14. Л. Мор — О. Села	Бехр — Ранн	7/6(3) 7/5
WC	15. А. Кокори — О. Дяченко	Бехр — Ранн	6/1 6/1
2	16. Н. Бехр — Е. Ранн	Бехр — Ранн	6/1 6/1

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҲРАБОВЕВ.

БҮЛИМЛАР:
Парамент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Махавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Туризм муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Р. Жумасев.

Баҳодир Йўлдошев 50 ёшда

Ўзбекистонда жадид театр сифатида суратга олиш пайтида эса режиссёрнинг мизансцена куриш санъати ва бу мизансценага юқанган бадиий вазифалар билан яқиндан танишиш имконияти-

ганман. Уни фильм-спектакль сифатида суратга олиш пайтида эса режиссёрнинг мизансцена куриш санъати ва бу мизансценага юқанган бадиий вазифалар билан яқиндан танишиш имконияти-

Ижодкор бу спектаклда, Алишер Навоий асарларига таянган ҳолда, ер курашида яшовчи кишилар, улар қандай ирк, маънавий эзагонга мансуб бўлишларидан қатъий назар, бир онанинг фарзандлари, деган умумбаشارий гоминиллари сурди; Искандарнинг голибона юришлари-ю оддий инсонлардек ўлими солилида инсоннинг куч-қудрати ва заифлиги манбаларини очиб ташлади. Модомики, инсон сайёралар ва тарихий даврлар учун олдида, табиат қонунлари олдида ожиз экан, демак, камтарона ва оқилона эшаммоги, фақат адолат ва эътиқоннинг пешидан ушлаган ҳолда умр кечирмоғи лозим, деган фикр-хулосага томошабиннинг диққат-этиборини тортади.

Санъат асари ана шундай катта ва олижаноб гоё билан



ШИФИЛ МЕВАЛИ БОҒ

га эга бўлганман. Шунда режиссёрнинг сахнадаги камсўз артистлар ҳаракатига алоҳида эътибор бериб, спектакль гоминил улар орқали ҳам ёрқинроқ очинишга эришганини ўз кўзим билан кўрган эдим.

«Хамса» дostonларидан бири «Саъбаи сайёр» деб аталади. Бир гуруҳ адабиётшунослар бу номни «Етти сайёр» деб, бошқаси эса «Етти сайёр» деб талкин этадилар. Хар ҳолда буюм замирида «сайёра» ё «иклим» маънолари йўқ бўлмас экан. Б. Йўлдошев «Искандар»-ида ҳам сайёра ҳаракати бор. «Камсўз артистлар» дастлаб, худди сайёралар теварагида айланган, шам ўрнатилган дастгоҳлар атрофида кунгирга ясайдилар, сўнг «самовий ҳаракат» да давом этадилар. Ана шу ҳаракат мантинига мувофиқ сахнада Фарб билан Шарк, насоро ва муслимон маданиятлари, Искандар билан Навоий, олис ва кин асарлар учрашуви юз беради, ана шу учрашув фониди асар воқеалари ривожланиб боради.

сугорилгандагина унинг бадиий ва эстетик қиммати шубҳасиздир. Абду Хидоят театри жамоасининг сўнгги ишларидан бири «Бир эшак хангомаси» деб аталган. У швейцариялик немис адаби Ф. Дюрренматнинг радиопьесаси асосида яратилган. Радиопьесадаги воқеалар қадимий Юнионистонда ўтади. Б. Йўлдошев табиат санъатидан фойдаланиб (Ўзбек драматурглари 20-йилларда бу санъатга, айниқса, кўп мурожаат этганлар), асар воқеаларини кўна Бухоро заминига кўчирган. Натихада немис ёзувчисининг юнон ҳаётини олинган асари миллий руҳ касб этиб, бугунги маънавий муаммоларга жамоатчилик этиборини қаратиш имконини берган.

Бундан бир неча йил илгари режиссёр Ўзбек миллий театрига пойдоवर бўлган ва халқ театри аъёнлари кенг истифода этилган спектакллари яратган эди. «Келинлар кўзголи» ана шу гуруҳдаги асарларнинг қалдири-

чи бўлди. Кейин «Майсаранинг иши»ни, сўнгра «Паранжи силари»ни сахналаштирди. «Фармонби аразлади» спектакли режиссёрнинг миллий театри яратишга қаратилган изланишларини ҳозирча хотималаб тўрибди. Бу асарлар, айниқса Хамза пьесалари асосида яратилган спектакллар Ўзбек театри ҳаётида катта воқеа бўлди. Унинг «Майсаранинг иши» спектаклидаги изланишлари эса Марказий Осиёдаги қатор истеъдодли режиссёрларга, шу жумладан, Олимжон Салимовнинг «Тошкентта саёхат» спектаклининг яратилишига муҳим туртки бўлди.

Миллий Ўзбек театрига эндигина тамал тошига қўй бошлаган бир пайтида режиссёр яна умумбаشارий гоёлар билан «чангланди». Миллий адабий материалга суянганга қарамай, у «Искандар»-га Шарк ва Фарб маданиятларининг тугашган нуқтасида ҳаёт бағишлади. У ҳозирги театр учун миллий эмас, балки, дастлавл, умумбаشارий гоёлар муҳим деган хулосага келгандек бўлди. Хар ҳолда кулги мушаклари билан тўлиб-тошганга қарамай, «Майсара»-да бугунги воқелик учун муҳим бўлган катта фикр бор, деб бўлмади. «Паранжи силари»-да ҳам спектаклнинг асосий руҳи «лаънати утмиш»ни қоралашга қаратилган. Фақат миллий маъзуларни, миллий ҳаёт нафасини акс эттириш билангина театринг вазифаси тугамайди. Шекспир трагедиялари соф инглиз воқелиги учунгина аҳамиятли асарлар эмас. Аксинча, улар ҳамма даврлар ва ҳамма халқлар учун муҳим гоёларни, инсон кечималарни алангалатиб тасвирлагани учун ҳам қимматлидир. Б. Йўлдошев бугун театрга ана шундай мезонлар асосида ёндашмоқда.

Хозир Баҳодир Йўлдошевдек бой ижодий тажриба тўплаган, жон театри ва драматургиясини яхши билган, давр талаби ва томошабин дидини юракдан ҳис этган бошқа режиссёр йўқ. Унинг ана шу ноб фазилатлари хали кўпгина меваларини бериши шубҳасиз. Атоқли санъаткор хозир мевалари хил-хил пишиб турган боққа ўхшайди. Шоҳд шу боққа ҳазон орамалас ва биз унинг тансиқ меваларидан узок йиллар давомида баҳраманд бўлиб бораск.

Найм КАРИМОВ.

Ишбилармонлар диққатига!

Миллий Банкнинг кичик ва ўрта бизнесга техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш буйича янги дастури

Агар Сизда самарадор лойиҳавий фикр ва уни амалга ошириш учун эркин валютада кредит керак бўлса, Миллий Банк қошида махсус тузилган бўлим лойиҳангизнинг режасини тайёрлашда, бизнесрежа ишлаб чиқишда ва лойиҳанинг оптимал таъминот схемасини танлашда ёрдам кўрсатади.

Кўриб чиқиш учун маҳсулотни экспортга, ёки импортни камайтиришга мўлжалланган лойиҳалар қабул қилинади.

Кредит ҳужжатларини тайёрлаш ва бу борада керак бўладиган маслаҳатларни, бланк қоғозларини банкнинг барча бўлимларидан олишингиз мумкин.

Лойиҳаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- кредит миқдори 100 мингдан 5 млн. АКШ долларигача;
- кредитдан фойдаланиш муддати 10 йилгача;
- ўз маблағлари кўчмас мулк билан биргаликда лойиҳа харажатларининг 25 фоизини ташкил этиши лозим;
- кредит кафолат, сугурта ёки мулк гарови билан таъминланиши шарт.

Барча саволлар бўйича қуйидаги телефонлар орқали Миллий Банк бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Биз ишингизнинг ривожланишига кўмаклашамиз!

Телефонлар	
Божқарма	(3712) 337151
Банк бўлимлари	
Андижон	(37422) 67394
Бухоро	(36522) 36973
Гулистон	(36722) 37941
Жиззах	(37222) 63948
Қарши	(37522) 44921
Навоий	(43622) 34167
Наманган	(36922) 66587
Нукус	(36122) 74882
Самарқанд	(3662) 335750
Термиз	(37622) 46807
Тошкент	(3712) 544869
Урганч	(36222) 65356
Фарғона	(37322) 41614